

КОРРУПЦИЯ ВА У БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ИНСОН ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИГА ТАҲДИДЛАРИ

Мирзохид Латипович Шарипов

Тошкент вилояти Чирчиқ Давлат Педагогика Институтининг ўқитувчиси

sharipovmirzoxid@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада нафақат жамиятимиз балки бутун жаҳонни ларзага солиб келаётган иллатлардан бири бўлмиш коррупциянинг тарихи, келтириб чиқарувчи омиллар ҳамда унинг оқибатида келиб чиқувчи муаммолар қисқача таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: мафия, коррупция, давлат, қонун, сиёсат, таълим, ҳукумат, виждон.

THREATS OF CORRUPTION AND CRIMES RELATED TO PERSONS AND SOCIAL LIFE

Mirzokhid Latipovich Sharipov

Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

sharipovmirzoxid@gmail.com

ABSTRACT

The article provides a brief history of corruption, one of the evils that shakes not only our society but the whole world, the factors that cause it and the problems that arise as a result.

Keywords: mafia, corruption, state, law, politics, education, government, conscience.

КИРИШ

Инсоният жамияти бугунги ривожланиш жараёнида кўплаб ютуқларга эришиб, юксак тараққиёт натижаларини қўлга киритиб келмоқда. Ижобий ютуқлар билан бирга айрим салбий ижтимоий иллатлар ҳам ривож топиб, ўзининг хавфли хусусиятларини янада яққолроқ намоён қилмоқда. Коррупция ва жиноятчилик ана шундай салбий ижтимоий иллатлардан биридир.

Коррупция ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказди, давлатнинг конституциявий асосларини

ва қонун устуворлигини заифлаштиради, пировардида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига олиб келади.

Коррупция — бу жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган даҳшатли иллатдир. У демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур этказди, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, эркин бозорлар фаолиятига тўсқинлик қилади, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдиз отиб, гуллаши учун шароит яратиб беради. Ушбу зарарли ҳодиса катта ва кичик, бадавлат ва камбағал бўлишидан қатъий назар, барча мамлакатларда учрайди.

Истиқлол берган тинч ва осуда ҳаётимиз, фаровон турмуш тарзимиз, эришаётган турли соҳадаги ютуқларимиз, айниқса ёш авлод камолоти йўлида қилинаётган эзгу ишларни ҳар қанча эътироф этсак, арзийди. Албатта, бундай ҳавас қилса арзигулик кунларга этишишнинг ўзи бўлмаётганлиги ва бунинг замирида машаққатли меҳнат ётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Бугунги кунда қайси бир соҳага эътибор қаратмайлик, уларнинг ҳар бирида юқори самарадорликка эришаётганлигимиз, бу бунёдкор халқимизнинг ўз Ватанига бўлган меҳр-муҳаббатидан далолат беради [2.114-б].

Дарҳақиқат, жамиятимиз равнақи учун астойдил меҳнат қилаётган инсонлар билан фақат фахрланишимиз керак. Лекин айрим кимсалар борки, тўқликка шўхлик қилиб, ўз вазифаларини суиистеъмол қилган ҳолда, таракқий этиб келаётган давлатимиз мулкига раҳна солаётганликлари ачинарли ҳолдир.

Коррупция ва уни вужудга келтирувчи сабаблар ўртасида икки томонлама алоқа мавжуд. Бундан хулоса шуки, биринчидан, коррупцияни фақат уни вужудга келтирувчи сабаблар ва шарт-шароитларни ечиш йўли билан камайтириш ҳамда чеклаш мумкин; иккинчидан, бу муаммоларни эчишда коррупцияга қарши барча йўналишларда қатъий ва муросасиз кураш олиб бориш самара беради. Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, ҳар қандай ҳолатда ҳам коррупциядан бевосита жамият ва инсонлар азият чекади, зарар кўради. Шунинг учун ушбу муаммо глобал бўлиб, унга қарши курашнинг давлатлар ўртасида мувофиқлаштирилган дастурлари ва бошқа ҳуқуқий меъёрлари ишлаб чиқилганлиги бежиз эмас [7.265-б].

Хўш, коррупция атамаси ўзи нимани ифода этади? Этимологик жиҳатдан “коррупция” атамаси “бузиш, пора эвазига оғдириш” деган маънони англатадиган латинча “corruptio” сўзидан келиб чиққан. Юридик энциклопедия муаллифларининг таъкидлашича, “коррупция – мансабдор шахслар томонидан уларга берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият имкониятларидан шахсий бойлик

орттириш учун фойдаланишда ифодаланувчи сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият”.

Коррупция жиноятчилиги – синфий ва тарихан ўзгарувчан ҳодиса. Коррупция бу – мансаб, мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жиноят тури ҳисобланади. Коррупция фаолияти хуфёна иқтисодиётнинг асосий турларидан биридир. Аксарият ҳолларда коррупция деганда давлат хизматчилари томонидан шахсий манфаатларни кўзлаб, бойлик орттириш мақсадида халқдан пора олиш, қонунга хилоф пул даромадларини қўлга киритиш тушунилади. Аммо, умуман олганда, мансабдор шахсларгина эмас, балки, давлат ташкилотида ишламайдиган фуқаролар ҳам коррупцияга доир муносабатларнинг иштирокчилари бўлиши, пора эмас, балки бошқа нарсалар эвазига ўз эҳтиёж ва манфаатларини ҳам амалга оширишлари мумкин. Дарҳақиқат, коррупция – илдизлари давлат хизматини ташкил этишдаги нуқсонларга ва давлат хизматчиларининг ўзига хос психологиясига бориб тақаладиган ижтимоий ҳодиса. Бу коррупцияга қарши аввало маъмурий-ҳуқуқий ва ташкилий-бошқарув чора-тадбирлари кўрилишини тақозо этади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири коррупцияга қарши курашишнинг муҳим омили сифатида миллий ғоя ўз миллий ва ҳаракат дастурлари билан яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Коррупция албатта бугун пайдо бўлган иллат эмас, у қадимдан буён мавжуд бўлиб келмоқда.

Антик давр юнон файласуфи Аристотел шундай деган эди: “Ҳар қандай давлат тизимида - қонунлар ва бошқа фармойишлар орқали ишни шундай ташкил қилиш керак-ки, унда мансабдор шахсларни ноқонуний йўл билан бойишига йўл қўймаслик лозим”.

Француз мутафаккири Шарл Монтеске эса бу борада “Асрлар тажрибасидан маълумки, ҳар қандай ҳокимият ваколатига эга бўлган шахс, уни суиистеъмол қилишга мойил бўлади ва у маълум бир мақсадга эришмагунча шу йўналишда юради” деган фикрларни билдирган.

Ғарбий Европа давлатларининг кейинги тарихида ҳам коррупциянинг турли кўринишлари ва коррупцион муносабатларнинг авж олиши нафақат тарихий манбаларда балки, ўша даврнинг илғор ёзувчи файласуфларининг асарларида ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, Шекспирнинг “Венециялик савдогар”, “Қонга қон, жонга жон”, Дантенинг “Дўзах”, “Тозаловчи” каби асарларида ҳам ёритилган. Данте коррупционерларни дўзахни энг қоронғи ва энг чуқур жойига ташлаш керак деган фикрни билдирган.

Коррупциянинг келиб чиқиши тарихи ва ривожланиши масалаларини Никколо Макиавелли ўрганиб, уни йўталга қиёслаб шундай деган эди, “Коррупцияни ҳам йўталга ўхшаб олдин аниқлаш қийин, аммо даволаш осон, лекин бу касални ўтказиб юборсангиз уни аниқлаш осон, аммо даволаш қийин”. Мана шу сўзлардаги ҳақиқатни бугунги кунда дунё бўйича кенг тарқалган коррупция кўринишларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин бўлади.

Коррупцияга қарши курашган биринчи давлат сифатида қадимги Шумер давлати тан олинади. Қадимги давлатларни айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг порахўрлиги қаттиқ ташвишга солганлиги бизгача сақланиб қолган манбалардан маълум. Чунки бу ҳолат давлатнинг обрўсига жуда қаттиқ путур етказарди. Дунёнинг етакчи динларида ҳам биринчи навбатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг порахўрлиги қаттиқ қораланади. Жумаладан, Инжилда “Совғаларни қабул қилма, чунки совға кўрни кўрадиган қилади ва ҳақиқатни ўзгартиради” дейилган бўлса, Қуърони Каримда “Бошқаларнинг мулкани ноҳақ йўл билан олмангиз ва бошқаларга тегишли бўлган нарсаларни олиш учун ўз мулкингиздан ҳокимларингизга пора қилиб узатмангизлар” дейилган [7. 263-бет].

Буюк соҳибқрон бобомиз Амир Темур таъкидлаганларидек, “қаердаги қонун ҳукмронлик қилар экан, ўша жойда эркинлик бўлади”. Коррупция жинояти эса қонунларнинг устуворлигини инкор этишга, уларни бузишга, айланиб ўтишга олиб келадиган иллатдир [4. 16-бет].

Буюк аждодларимиз ижодида таълим-тарбия масалаларига бағишланган кўплаб нодир асарлар ва таълимотларни кўришимиз мумкин. Ана шундай шарқона ахлоқ кодексини яратган мутафаккирлардан бири Ҳусайн Воиз Кошифийдир. Кошифий ижодига мансуб «Ахлоқи Мухсиний» асарининг ҳар бир бобида муайян инсоний фазилатларнинг моҳияти очиб берилган. Асарнинг 40-боби «Мулозимлар тарбияти ва одоби баёнида» деб номланиб, порахўрликнинг оқибатлари келтириб ўтилган. “Вазир иш юритувчи амалдорлардан пора олишдан эҳтиёт бўлсин. Билсинки, то бир киши бошқалардан пора олмаса, бошқага пора бермайди. Агар вазир пора олишга сабаб бўлса, пора олишга рухсат берган бўлади. Пора бериш ва пора олиш ҳаромдир. Пора олган пора бергандан ёмонроқ бўлади, чунки олувчи берувчи олдида забун бўлади. Бундай забунликка вазир муносиб эмас” [5. 95-бет].

НАТИЖАЛАР

Коррупцияга қарши кураш бугунги куннинг долзарб муаммоси бўлиб қолаётганлигини, унга қарши жиддий ва кескин кураш олиб бориш зарурлигини

вазият тақозо этмоқда. Қайси бир соҳани олмайлик ўша соҳада ривожланиш, тараққиёт рўй бермаётган экан, унинг сабабларидан бири коррупцияга бориб тақалади. Амалда коррупция мамлакатда ислохотларни амалга оширилиши, ўз олдимизга қўйилган мақсадлар йўлидаги жиддий тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Миллий қонунчилигимизда мазкур атаманинг аниқ ҳуқуқий таърифи мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасида коррупция тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: “Коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш”. Бундан кўриниб турибдики, коррупция нафақат пора олиш ёки бериш эмас, балки хизмат, мансаб лавозимидан қонунга хилоф равишда фойдаланиши ҳам коррупция ҳисобланар экан.

Шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг айрим манбаларида хусусан, Коррупция муаммолари бўйича Европа Кенгаши гуруҳларининг 1-сессияси (1995 йил 22-24 феврал, Страсбург)да “Коррупция”га шундай таъриф берилган. “Коррупция - пора олиш (ўзига оғдириш), давлат ёки хусусий соҳада муайян ваколатга эга бўлган шахс, мансабдор шахснинг ёки хусусий соҳада фаолият юритадиган шахс ёки мустақил агентнинг ўз мансаб вазифасидан ёки шунга ўхшаш муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларини бузадиган шунингдек ўзи ёхуд ўзга шахслар манфаати учун ҳар қандай шаклдаги афзалликларга эга бўлиш мақсадида ифодаланган хатти-ҳаракат”.

Мансабдор ёки мансабдор бўлмаган шахслар томонидан юқорида назарда тутилган хатти-ҳаракатлар содир этилиши оқибатида фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилади.

Шунингдек, “Коррупция – мансабдор шахс томонидан муайян ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этиш (этмаслик) эвазига моддий манфаатдор қилаётган шахснинг манфаатини кўзлаб мансаб вазифасини бузган ёзи бузмаган ҳолда, турли шаклда моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий наф кўриши.” (БМТ Мансабдор шахсларининг обод-ахлоқ Кодекси 17.12.1979 йил).

“Коррупция – шахсий манфаати йўлида давлат ҳокимияти вазифаларини суиистеъмол қилиши (БМТнинг Коррупцияга қарши халқаро кураш бўйича ахборот хужжати).

Коррупция – бу шахсий манфаат учун давлат ҳокимияти мансаб вазифасини суиистеъмол қилиш (Бутунжаҳон банки ҳисоботи, 1997 йил.)

Бундан ташқари биринчи президентимиз Ислон Каримов томонидан ҳам мазкур турдаги жиноят учун шундай таъриф берилган: “Жиноятнинг ёпиқ ва энг қабих тури бор. Бу – коррупция ва порахўрлик. Жиноятнинг бу тури бошқарув аппаратини издан чиқарибгина қолмай, бозор асосларини ҳам барбод этиши мумкин”.

“Коррупция, энг аввало, уюшган жиноий тузилмаларга мадакор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланишдир”.

Коррупцияга қарши кураш ишларини ташкиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 3 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси тузилмасида ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги порахўрлик, ўғирликлар ва бошқа суистеъмолчиликларга қарши кураш бошқармасини ташкил этиш тўғрисида”ги; 1994 йил 11 майдаги “Хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни коррупция, рекет ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа кўринишларидан ҳимоя қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги; 1997 йил 28 майдаги “Коррупция, рекет ва терроризмга қарши курашни такомиллаштириш ишларини янада ривожлантириш тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди ва уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

БМТ Ривожланиш Дастурининг (“UN Development Program”) назарий таҳлилига кўра коррупцияни вужудга келишида қуйидаги омиллар катта рол ўйнайди: ваколат ёки ҳокимиятга, шахсий манфаат ва ўзбошимчалик, ҳисобдорсизлик ва ошкорасизлик.

Жаҳон миқёсида қуйидаги коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимдир:

- а) БМТнинг “Коррупцияга қарши курашиш конвенцияси”;
- б) Европа Иттифоқининг “Коррупция учун жиноий жавобгорлик тўғрисидаги Конвенцияси;
- в) Европа Иттифоқининг “Коррупция учун фуқаровий жавобгарлик тўғрисида”ги Конвенцияси;
- г) Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида “Коррупцияга қарши сиёсатнинг қонунчилик асослари тўғрисида”ги модел қонуни;
- д) “Осиё Тараққиёт Банки ва Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки Осиё ва Тинч океани коррупцияга қарши ҳаракат дастури”.

Умуман олганда, коррупцияни вужудга келтирувчи шарт-шароитларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ўтиш давридаги қийинчилик;

- ижро этиш тизимининг ёмонлашуви;
- ҳуқуқий нигилизм;
- жамиятда инсонларнинг ҳуқуқий маданияти;
- иқтисодий аспектлар;

Дунёдаги мамлакатларда коррупциянинг мамлакат бошқаруви, иқтисодиёти ва бошқа соҳаларига таъсирини халқаро нодавлат-нотижорат “Transparency International” - тадқиқотларига асосан баҳолаб келинади.

Шунингдек, “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2003 йил 31 октябр кунги Коррупцияга қарши курашиш конвенцияси (2003 йил 31 октябрда қабул қилинган бўлиб, мазкур ҳужжат муқаддима ҳамда 8 та боб, 71 та моддадан иборат)га Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги 2008 йил 7 июл кунги ЎРҚ-158-сонли Қонуни қабул қилинди.

Қонунчилик таҳлили коррупция билан боғлиқ қилмишларга қарши курашиш фаолиятининг ҳуқуқий асослари кўпроқ Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексида ўз ифодасини топган. Буни куйидагиларда кўришимиз мумкин:

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг “Коррупция билан боғлиқ жиноятлар”ни назарда тутувчи сохта тадбиркорлик, мулкни талон-тарож қилиш, сохта банкротлик, бож, солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, ҳокимият ёки лавозимни суистеъмол қилиш, пора олиш, товламачилик, пора олиш ёки беришда воситачилик қилиш, контробанда, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш каби моддалари киритилиб, уларга мос жазолар белгиланган.

МУҲОКАМА

Коррупция ва у билан боғлиқ “мафия” атамалари жамоатчилик томонидан уюшган жиноятчиликка нисбатан қўлланадиган тушунчалардир. Уларнинг бири-бирига ўхшаш ва фарқли жаҳатлари мавжуд. Мафия деганда кўрkitиш, зўравонлик билан оғир жиноятлар содир этувчи гуруҳ, пировардида, уюшган жиноятчиликнинг энг юқори нуқтаси тушунилади. Бу атама қўлланганда оғир жиноятлар содир этган шахслар ва гуруҳлар тушунилади.

Мафияларнинг келиб чиқиши Ўрта асрларга бориб тақалади. Ўша даврларда ҳозирги Италия давлатига қарашли Сицилия оролидаги автоном вилоятнинг номи расмий равишда “мафия” деб атала бошланган. XVI-XVII асрларда Сицилия оролидаги феодалларнинг жабр-зулми ва халқни эксплуатация қилиши кучайиб кетган. Бундай адолатсизликларга қарши курашиш учун халқ орасида “мафия” деб номланган гуруҳ пайдо бўлган. Бу

сўзнинг асл этимологияси маълум эмас, аммо у дастлаб хурлик, озодлик, эзгу ниятни кўзда тутган халқ ҳаракати бўлган. Балки бу сўз Ўрта ер денгизининг Африкага туташган ерларида жойлашган Мафия деб номланган оролдан мажбуран келтирилган кишиларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун ўзаро бирлашиб кураш олиб борганлари ёки XVII асрда Италияда яшаб озодликни мадҳ этган ҳамда зўравонликка қарши асарлар яратган шоир Шипион Мафей номи билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Замонлар ўтиши билан бу сўзнинг мазмун-моҳияти тубдан ўзгарди. Ҳозирги кунда мафия тушунчасининг асосини зўравонлик, эркинликларни поймол қилиш, жавобгарликдан қўрқмаслик, хўрлаш кабилар ташкил этади. Бу таърифларни жиноят ҳуқуқидаги таҳлил қилинаётган муаммо билан боғласак, у ҳақиқатан ҳам жиноий фаолият билан шуғулланувчи гуруҳ эканлигини англашимиз мумкин. Демак, мафия халқ томонидан уюшган жиноий гуруҳларга берилган номдир. Бу уюшган жиноий гуруҳларнинг жамиятдаги тинчлик ва осойишталикка, жамият аъзоларининг ҳуқуқ ва эркинликларига салбий таъсир кўрсатишини тўғри англаймиз. Аммо айнан бу гуруҳларнинг давлатнинг маълум лавозим вазифаларини бажариб турган мансабдор шахслар билан тил бириктириши ва унинг салбий оқибатларини эса тасаввур ҳам қилиш қийин. Бу ҳолатда жиноий гуруҳлар учун жиноят эшиклар кенг очилади ва фуқаролар ҳимоясиз вазиятга тушиб қоладилар.

ХУЛОСА

Коррупцияни олдини олмасдан туриб барқарор тараққиётга эришиб бўлмайди. Коррупцияга қарши курашнинг самарадорлиги аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги, маънавияти, ахлоқ-одоби ва демократия принципларига қанчалик амал қилиши билан узвий боғлиқдир.

Коррупцияга қарши маърифат - инсонда билим, иммунитет, шунингдек, коррупцияга қарши курашда олий мақсадга мос келувчи барқарор ҳулқ-атвор меъёрларида ўз аксини топган тегишли маънавий-ахлоқий эҳтиёжлар, виждон, инсоф, иймон, эътиқод, ҳалоллик каби сифат ва ҳиссиётларни шакллантиришга қаратилган мақсадли жараёндир [8. 37-бет].

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунининг 5-моддасида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган бўлиб, улар қуйидагича:

- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

- давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш [9.2-бет].

Бугунги кунда ҳаётнинг ўзи коррупцияга қарши маънавият ва маърифат билан курашишни талаб этмоқда. Жамиятдаги мавжуд иллатларга, жумладан коррупцияга қарши кураш ва унга муросасиз муносабатда бўлиш коррупцияга қарши маърифатнинг ўзаги бўлиб хизмат қилади. Ўз нафсининг қулига айланган, ўз манфаатини давлат ва жамият манфаатидан устун қўядиган ҳар бир киши коррупция домига илиниши муқаррар. Маънавияти етарли даражада шаклланмаган кишилар эртами-кечми ахлоқий тубанликка юз тутадилар. Айнан шундай муҳит коррупцияни шакллантирувчи омил эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

REFERENCES

1. Akhatov, L.K., Rasulov, A.N., Mirzorakhimov, O.K., Sharipov, M.L., & Ibrokhimov, F.A. (2020). The Outlookings of Religious and Sufism in Teaching of Abdurakhman Jami. *Journal of Critical Reviews*, 7(17), 112-116.
2. Кошанова, Н. М. (2020). Оила ва мураббий манфаатли ҳамкорлигининг таълим сифатини оширишдаги аҳамияти. *Academic Research in Educational Sciences*, 1 (3), 32-41.
3. Шарипов, М. Л. (2020). Ёшлар маънавиятини юксалтиришда Хусайн Воиз Кошифий ахлоқ фалсафасининг аҳамияти. *Мугаллим ҳем узликсиз билимлендириў*, 1(1), 94-98.
4. Шарипов, М. (2020). Тарихни ўзгартирган буюк соҳибқирон. *Тамаддун нури*, 2(25), 14-17.
5. Mardonov, S., Toshtemirova, S., Ahmadjonov, B., & Koshanova, N. (2020). Structure and Mechanisms of Action of the Educational Cluster. *International Journal of Psychological Rehabilitation*, 24(7), 8104-8111.